Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ


Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 30 август, чоршанба. №105-106 (21.868.) Сотувда эркин нархда.

ҚАРДОШЛИК ТАНТАНАСИ

Асримизнинг охирги ўн йиллиги жаҳон харитасида катта ўзгаришлар ясади. Марказий Осиё республикаларининг мустақилликка эришиши натижасида турқий дунёда юз берган янгиланиш мазкур тилда сўзлашувчи халқларнинг маданий-маънавий жиҳатдан жипслашишини тақозо қилди. Зеро, минг йиллар давомида бир илдиздан баҳра олган халқларимиз орасига қўйилган сунъий тўсиқ барҳам топди. Тарихни, ўзликни англаш мавриди келди. Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг илгари Анқара ва Истанбулда ўтган олий даражадаги учрашувлари, Анқара баённомаси ҳамда Истанбул декларацияси ана шу мақсадни амалга ошириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий уйғунликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлган эди.



СУРАТДА: туркий тилли давлатлар раҳбарлари.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида қатнашиш учун 28 август куни Қирғизистон Республикаси пойтахтига ташриф буюрди. Бишкек шаҳри қирғиз халқининг улкан маънавий мероси бўлмиш «Манас» эпосининг минг йиллиги нишонланаётгани боис байрам туси олган эди. Туркий тилли давлатлар раҳбарлари учрашувининг айнан шу пайтда ўтказилаётгани ҳам мамлакат аҳолисининг қувончи ва ифтихорига сабаб бўлди.

Қирғизистон Республикасининг ҳукумат уйида олий даражадаги Бишкек учрашуви бошланди. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев иштирокидаги мажлис кун тартибидан халқаро ва минтақавий масалалар бўйича фикр алмашиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-маънавий алоқаларни ривожлантириш ҳамда гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш каби масалалар жой олди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни равнақ топтириш, маданий-маърифий уйғунликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг зарур талаби эканини таъкидлади.

Халқларимиз маънавиятининг уйғунлиги мамлакатларимиз ўртасидаги самарали иқтисодий ҳамкорликка замин яратади. Ислом Каримов Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёни, «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказилаётган улкан маданий тадбирлар ҳақида сўзлаб, бундай ҳамкорликнинг Марказий Осиёдаги бошқа республикалар томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари экология муаммолари, хусусан, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган буҳронларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақида гапириб, бунинг учун Марказий Осиёдаги барча давлатлар биргаликда курашиши лозимлигини таъкидлади.

Олий даражадаги учрашув Бишкек декларациясини имзолаш билан якунланди. Ҳужжатга туркий тилда сўзлашувчи олтита давлат раҳбарлари имзо чекдилар. Қирғизистон Президенти Аскар Акаев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва бошқа давлат раҳбарларига тинчлик ва ҳамкорлик рамзи сифатида «Манас» орденини топширди.

Туркий тилли давлатлар раҳбарлари шу куни «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ҳам иштирок этдилар. Туркий маданиятнинг улкан бойлиги бўлмиш «Манас» эпоси жаҳон маънавий хазинасига қўшилган катта ҳиссадир. Шу боис «Манас» эпосининг минг йиллиги ЮНЕСКО ташаббуси билан бутун жаҳонда кенг нишонланмоқда.

Ислом Каримов тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида «Манас» эпоси туркий халқлар бирлигининг ёрқин рамзи эканини таъкидлаб, мамлакатларимизнинг бугуни ва эртаси учун ҳам Манасдек, Алпомишдек элсевар қаҳрамонлар зарурлигини айтди.

Республикамиз Президентининг Қирғизистонга ташрифи арафасида бишкеклик Абдурашид Солихўжаев оиласида қувончли воқеа юз берди. Уларнинг оиласида уч қиздан сўнг ўғил дунёга келди. Бахтиёр ота-она Президентимиз ҳурмати учун фарзандларига Ислом деб ном бердилар.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Бишкекдаги учрашуви халқларимизнинг маънавий бирлиги сари ташланган муҳим қадам бўлди. Олий даражадаги учрашувнинг «Манас» қаҳрамонлик эпоси минг йиллик тўйи билан уйғунлашиб кетгани чинакам қардошлик тантанасига айланди.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Бишкек-Тошкент.

УЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари ва ташкилотлари, республиканинг барча фуқароларига

Азиз дўстлар!
Қадрли ватандошлар!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 4 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади!

Миллий давлат мустақиллигимизнинг кўҳна тарих солномасида бир сониядек ҳисобланган дастлабки тўрт йили Ўзбекистон учун ҳавас қилса арзийдиган вақт бўлди. Президентимиз И. А. Каримов айтганидек, дарҳақиқат, бу йиллар — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш, ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш, энг муҳими—республиканинг ўз тараққиёт йўлини излаш, юртимизни эркин, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди.

Республикамиз раҳбариятининг самарали ички ва ташқи сиёсати боис қадимий ўлкамизда туб ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, тадрижий равишда ўтиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, кенг кўламли ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, сиёсий барқарорлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Марказий Осиё минтақасининг энг нуфузли мамлакати бўлмиш Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори кундан-кунга ортмоқда.

Буларнинг ҳаммаси республика фуқароларида табиий ғурур ҳис-туйғуларини уйғотиб, уларнинг ўз Ватанларига муҳаббати ва садоқатини янада мустаҳкамламоқда, ўсиб келаётган ёш авлодни олижаноб эзгу мақсадлар руҳида тарбиялашнинг муҳим таъсирчан омили бўлиб хизмат қилмоқда. Биз ана шу улуғвор ўзгаришларни рўёбга чиқаришда, мустақиллик туфайли дунёга келган, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз ўрни ва ҳиссаси борлигидан, унинг аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида пешқадамлик ила бевосита иштирок этаётганлигидан, мустақилликнинг 4-йилида ўтказилган демократик сайловларда жиддий синовдан ўтган партиямизнинг мамлакатимиз Президенти ваколатлари муддатини узайтиришга оид референдумнинг муваффақиятида муносиб улуши борлигидан беҳад мамнунмиз.


Халқимиз ўз олдига инсоний эзгу ниятни — она - Ватанимизнинг буюк келажагини яратиш вазифасини қўйган. Бунга эришиш йўлида барча ватандошларимиздан, ҳар қачонгидан кўра, жипслашишлари, биродарона аҳиллик намуналарини намоён қилишлари, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан эл-юрт хирмонининг юксак бўлишига муносиб ҳисса қўшишлари, ижтимоий-сиёсий барқарорликни кўз қорачиғидек асрашни таъминлашлари талаб этилади. Ўзининг дастурий ғоялари ва мақсадларига, бунёдкорона ислоҳотлар йўлига ҳамиша садоқатли партиямиз, унинг барча ташкилотлари, аъзолари бундан буён ҳам азиз Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни гуллаб-яшнатиш, халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш ишига бутун куч ҳамда имкониятларини сарфлайверадилар, деб қатъий ишонч билдирамиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, шоду хуррамлик, хонадонингизга файзу барокат тилаймиз.

Эзгу ишларимизда омад ҳамиша ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИ.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС ВАТАНИ БЎЛАДИ





СУРАТЛАРДА: халқаро турнир очилиш пайти.

А. ТЎРАЕВ, А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» II ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Теннис бўйича иккинчи халқаро турнирнинг ҳурматли қатнашчилари, меҳмонлари ва ташкилотчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида қизғин қутлашга ижозат бергайсизлар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун бу галги мусобақалар давлатимиз мустақиллигининг 4 йиллиги арафасида ўтмоқда.

Сизларга, халқаро турнир иштирокчилари ва меҳмонларига мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида: сиёсатда, иқтисодиётда, илм-фанда, маданиятда, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлаётганини айтиб ўтиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жаҳон бизни кашф қилади, биз ҳам ўз навбатида жаҳонни англаб етамиз.

Бир неча кундан кейин Тошкентда халқаро олимпия қўмитаси раҳнамолигида биринчи Марказий Осиё ўйинлари бошланади, теннис бўйича Ўзбекистон терма командаси Девис кубоги Осиё зонаси финалида учрашади,

(Давоми 2-бетда).

29 август куни Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун иккинчи халқаро турнирнинг расмий очилиш маросими бўлди. Мазкур турнирнинг халқаро мақёсдаги нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йилги мусобақага АҚШ, Германия, Франция, Руминия, Россия каби 14 мамлакатдан вакиллар ташриф буюргани, бир қанча хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари уни ёритаётгани шундан далолат бериб турибди.

Президент Ислом Каримов маросимда нутқ сўзлади. Юртбошимиз Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар, хусусан янги бунёд этилаётган спорт иншоотлари хусусида тўхталди. Меҳмонларга, спортчилар ва уларнинг устозларига мазкур турнирда фаол иштирок этаётганликлари учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг катта теннис ватани бўлишида ана шу турнир қатнашчиларининг хизмати беқиёс эканини қайд этди.

Халқаро спорт мусобақаларининг моҳир ташкилотчиси, Ўзбекистон Президенти кубоги турнирининг бош ҳомийси Сассон Какшури маросимда сўз олиб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун катта ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, теннисни оммавийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар юксак эътирофга сазовор эканини таъкидлади.

Турнир очиқ деб эълон қилинади. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Унга ҳамоҳанг равишда давлатимиз байроғи кўтарилади.

(Давоми 2-бетда).

ГРУЗИЯ ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Грузия давлат раҳбари, Грузия Республикаси парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе шу йил 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюради.

ОЛИЙ МАЖЛИС КЕНГАШИДА

29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлари, депутатлар блоки ва фракцияларининг раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари иштирок этдилар. Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис учинчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларга доир маърузалар, сессия ишига тааллуқли бошқа ҳужжатлар хусусида фикр алмашдилар. Сессия кун тартибига қўшимча масалалар киритган ҳолда уни бир овоздан қабул қилдилар.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги низом лойиҳаси муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси бугун, 30 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 30 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИДА

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг нуқтаи назари ҳақидаги масала атрофлича муҳокама қилинди.

Бугун очиладиган сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 мартда ўтказилган референдум орқали 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган ўз ваколатлари муддатини унинг мазкур лавозимда бўлишининг иккинчи муддати, деб эътироф этиш тўғрисидаги Олий Мажлис иккинчи сессиясидаги баёноти юзасидан сайловчилар фикрини ўрганиш учун тузилган Комиссия ахбороти тингланади. Айни пайтда, мустақил давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланишида ғоят муҳим аҳамият касб этадиган бошқа қонун ҳамда ҳужжатларнинг лойиҳаларини ҳам унда кўриб чиқиш мўлжалланган.

Сиёсий ижроқўм Президент ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича ўтказилган умумхалқ овоз беришида мамлакатимиз меҳнаткашларининг мутлақ кўпчилиги аллақачон бир қарорга келганлигини — Ўзбекистон Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга розилик берганлигини яна бир бор мамнуният билан таъкидлади. У, шунингдек, партиямиз Марказий Кенгаши аъзолари, маҳаллий кенгашлари ва ташкилотлари фикрларини инобатга олиб, Ўзбекистон Президентининг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг биринчи муддати давоми сифатида қабул қилинишининг тарафдори эканлигини қайд қилди, бу, мамлакатимиз, халқимиз тақдири учун муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди, Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси аъзолари ва барча депутатларни масалани айнан шу тарзда ҳал қилишга даъват этди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДПдан мамлакат олий қонун чиқарувчи идорасига сайланган депутатлар фракцияси аъзоларига, уларнинг Олий Мажлис учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган бошқа масалалар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этганликларини ҳисобга олиб, асосан қўллаб-қувватлашни тавсия этди.

Маълумки, Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ, 1994 йили партиямиз ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиши лозим эди. Бироқ, ўтган йили ва шу йил бошларида республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун ўта муҳим воқеалар рўй берганлиги, уларда ХДП ташкилотлари фаол иштирок этганлиги, улар партиямиз учун ўзига хос ҳисобот бўлганлигини эътиборга олиб, ҳисобот-сайловларни ўтказиш муддатлари, табиийки, бироз кечиктирилди. Сиёсий ижроқўм ушбу масалани кўриб чиқиб, уларни шу йил ноябрь-декабрь ойларида партиямизнинг барча гуруҳлари, цех ва бошланғич ташкилотларида ўтказишга қарор қилди. Йиғилишларда эркин ва ошкора фикр алмашиш муҳитини яратиш, уларда барча даражадаги партия ташкилотларининг парламентчилик фаолияти, партиявий ишнинг асосий йўналишларини кучайтириш масалаларини батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга мустақилликнинг маънавий асосларини шакллантиришда, Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб этиш ва ҳаётга жорий қилишда бошланғич партия ташкилотларининг бевосита иштирокини кучайтириш зарурлигига йиғилиш қатнашчилари эътиборини қаратмоқ лозим. Энг муҳими, дейилади ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда, ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия ташкилотлари ҳаёти ва фаолиятини янада демократиялаштиришга, ХДП аъзоларининг республика раҳбариятининг ислоҳотлар йўли, дастурий мақсадларимиз рўёбга чиқарилиши учун масъулиятини оширишга хизмат қилиши керак.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП МК, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар кенгашлари, тегишли тафтиш комиссияларининг аъзоларига, партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатларга йиғилишларни тайёрлаш ҳамда ўтказишда фаол қатнашишни тавсия қилди.

Партиямиз кенгашлари ва маҳаллий ташкилотлари республи-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг нуқтаи назари

Сессияда, дейилади ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми қабул қилган қарорда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил март ойида ўтказилган референдум орқали 1997 йилдан то 2000 йилгача узайтирилган ўз ваколатлари муддатини унинг мазкур лавозимда бўлишининг иккинчи муддати, деб эътироф этиш тўғрисидаги Олий Мажлис иккинчи сессиясида қилган баёноти юзасидан сайловчиларнинг фикрини ўрганиш учун тузилган Комиссия ахбороти тингланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси муҳокамасига республиканинг Конституциявий суди, Ҳарбий доктринаси, Меҳнат кодекси (дастлабки кўриб чиқиш), Фуқаролик кодексининг умумий қисми (дастлабки кўриб чиқиш), қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган мамлакатларда, айниқса Африкада чўлга айланиб боришга қарши кураш буйича БМТ конвенциясини ҳамда қатор халқаро шартнома ва битимларни ратификация қилиш, Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш, Концессиялар, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, Усимликлар карантини, «Меҳнат шуҳрати», «Шон-шараф» орденларини таъсис этиш тўғрисидаги, шунингдек, бошқа ҳужжатлар-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» II ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

октябрь ойида бокс бўйича Осиё биринчилиги ўтказилади. Бундай йирик спорт тадбирларининг ўтказилиши бутун жаҳонга янги, мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистонни таништиради, миллат саломатлиги мустаҳкамланаётганини, спортчиларимиз маҳорати ортиб бораётганини, жаҳон майдонида уларнинг нуфузи ошаётганини намойиш этади.

Бироқ, биз учун булардан ҳам муҳими — янгиянги дўстлар, спорт мухлисларини орттиришдир. Киши ўзининг қандай эканини кўрсатишнинг спорт майдонида маҳоратини намойиш этишдан яхшироқ усули йўқ.

Бугунги кунда жаҳонга қуролланиш ва вайронгарчилик соҳасидаги беллашувлар керак эмас. Инсониятга барқарорлик ва тинчлик керак. Спорт эса, тинчликнинг мухтор элчиси ҳисобланади.

Энг истеъдодли, энг қобилиятли, энг ёрқин иқтидор эгалари жаҳонни спортдаги ютуқлари билан забт этаверсин. Улар фақат спорт майдонларида — ақли, маҳорати, ғайриоддий қобилиятлари, истеъдоди ва жасорати, ғалабага бўлган интилиши билан беллашаверсинлар.

Улар инсон имкониятларининг чексизлигини, унинг жисман ва руҳан мукаммаллигини исбот қилсинлар, инсон заковатининг бутун гўзаллиги ва бетакрорлигини кўрсатсинлар.

Муҳтарам мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари!

Мен Ўзбекистон спорт жамоатчилиги ва бутун халқи номидан бугун Ўзбекистон Президенти кубоги учун иккинчи теннис мусобақасига келган барча спортчилар ва уларнинг мураббийларига самимий миннатдорлик туйғуларини изҳор этишни истар эдим.

Мен бу мусобақани ёритиш учун келган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Ишончим комилки, бу мусобақа унинг иштирокчилари учунгина эмас, кўпсонли спорт мухлислари учун ҳам ҳақиқий байрамга айланади. Мен улкан теннис яқин орада Ўзбекистонда жадал равишда ривожланиб, спортнинг бошқа турлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига аминман. Бунда мазкур мусобақа иштирокчиларининг хизмати катта эканига ҳеч шубҳа йўқ.

Дўстлар!

Бир неча дақиқадан сўнг мусобақамиз бошланади. Кучли ва бир-бирига муносиб кишиларнинг қийин кураши бошланади.

Биз барчангизга муваффақиятлар тилаймиз. Биз мусобақаларимиз ғолибининг оғир курашини муносиб баҳолаймиз.

Мен бу ажойиб спорт байрамининг барча иштирокчиларини муносиб тарзда баҳолашимизни ҳам айтиб ўтишни истар эдим.

Мен сиз азиз меҳмонлар мусобақа ўтадиган кунларда ҳамроҳингиз бўладиган ҳақиқий ўзбек меҳмондўстлиги, халқимизнинг қалб ҳарорати, инсоний ғамхўрликни ҳис қилишингизни жуда-жуда истар эдим.

Мусобақанинг барча ташкилотчиларига, энг аввало жаноб Сасон Какшурига, уларнинг меҳнати, ўйинларнинг муваффақиятли ўтиши йўлида қилган барча иши учун катта раҳмат.

Жаҳоннинг барча томонидан келиб, қуёшли Ўзбекистон пойтахтида тўпланган барча мусобақа иштирокчилари, катта ракетка усталарини яна бир табриклашга ижозат бергайсизлар.

Мусобақанинг барча иштирокчиларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Яшасин спорт!

Яшасин тинчлик ва дўстлик!

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС ВАТАНИ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мусобақа қатнашчилари, меҳмонлар ва томошабинларни олқишлаб олов фавворалар кўкка отилади.

Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун мусобақалар давом этади.

Турнирнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Мутолов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур мусобақани ўтказиш ташкилот қўмитасининг раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида

(Давоми. Боши 1-бетда).

камиз Президенти ва ҳукуматининг кўп миллатли диёримизда тинчлик ва осойишталикни асраш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳуқуқий, демократик давлат, адолатли жамиятни бунёд этиш, маънавиятни юксалтириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга қаратилган халқчил ички ва ташқи сиёсатини кенг оммага тушунтириш ҳамда уни амалга ошириш борасида жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда иш кўришда муайян тажриба орттирдилар. Сиёсий ижроқўм буни қайд қилиш билан бирга, мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар Ўзбекистон ХДПнинг омма орасида олиб борадиган сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятини янада кучайтиришни, республика жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини такомиллаштиришни тақозо этаётганлигини кўрсатиб ўтди. Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлигини асосий тамойиллари ва устивор йўналишлари ишлаб чиқилганлиги катта аҳамиятга эгадир. Сиёсий ижроқўм шу борадаги қарор лойиҳасини муҳокама этиб, уни тасдиқлади. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари зиммасига мазкур масалани ўз ижроия бюроларида кўриб чиқиш ва жойларда маҳаллий шароит ва имкониятларни инобатга олиб, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни мазмунан бойитишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва уларни амалга оширш вазифаси юклатилди.

Шу йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигига тўрт йил тўлади. Сиёсий ижроқўм ушбу сана нишонланиши муносабати билан партия ташкилотларининг вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари, партиямиз марказий матбуот органларига ХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллигини нишонлашга пухта ҳозирлик кўришга киришиш топширилди. Бунинг учун аниқ тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг партиямиз ташкил топганлигининг 4 йиллигини нишонлашга бағишланган тадбирлар режаси тасдиқланди (ушбу қарор матни баёни газетамизнинг келгуси сонларида эълон қилинади).

Сиёсий ижроқўм, шунингдек, партия ички ҳаётига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг нуқтаи назари

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг лойиҳаларини киритиш таклиф этилмоқда. Ушбу масалаларнинг давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишида ғоят муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир, дея таъкидланди ҳужжатда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Президентининг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати, деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти И. А. Каримовнинг демократия қоидаларига содиқлигидан, шунингдек, унинг шахсий камтарлигидан далолат беради, деб билади.

Қарорда Президент ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисидаги масала аслида ягона мақсад билан, яъни, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижроия тизимлари фаолиятини вақт ҳамда муддат бўйича бир-бирига мослаш учун референдумга олиб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди. Масаланинг моҳиятини тўғри тушунган, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар йўлини, ҳақли равишда, юртбошимиз сиёсати билан боғлаётган Ўзбекистон фуқаролари референдумда яқдиллик билан Президентимиз ваколатлари муддатини узайтиришга розилик бердилар.

Шуларни ҳамда Ўзбекистон ХДП МК аъзолари, маҳаллий кенгашлари ва ташкилотлари фикрларини, Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувларида якдиллик билан билдирилган истакларни инобатга олиб, Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон Президентининг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг биринчи муддати давоми сифатида қабул қилишининг тарафдори эканлигини таъкидлади. Негаки, референдум натижаларини Ўзбекистон Президентининг мазкур лавозимда бўлишининг биринчи муддати, деб ҳисобланиши, мамлакатимиз, халқимиз тақдири учун муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир. Сиёсий ижроқўм шундан келиб чиқиб, ХДП фракцияси аъзоларини, барча депутатларни масаланинг айнан юқорида айтилгандай ҳал этилишига эришишга даъват этди.

Учинчи сессия кун тартиби буйича муҳокама қилинадиган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатлар фаол иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, қўшимча ва тузатишлар киритдилар. Бу ишни улар сессия жараёнида ҳам давом эттиришлари керак, деб ҳисобланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми республика парламентидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлар ракцияси аъзоларининг Олий Мажлис учинчи сессиясининг таклиф қилинган кун тартиби ҳамда муҳокамага киритилаётган масалалар юзасидан ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этганликларини ҳисобга олиб, уларни асосан қўллаб-қувватлашни тавсия этди.

Сессияда қабул қилинадиган муҳим ҳужжатлар асосида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдида янги вазифалар келиб чиқиши шубҳасиздир.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига партиямиз аъзолари бўлган барча даражадаги депутатлар билан биргаликда, халқимиз орасида Олий Мажлис учинчи сессияси якунларига доир кенг тарғибот ишларини уюштиришни топширди. Бунда у биринчи ўқишда қабул қилинадиган ҳужжатлар юзасидан ХДП аъзолари, барча фуқаролар фикрини ўрганиш, умумлаштириш ва уларни Марказий Кенгаш ҳамда партиямиздан сайланган Олий Мажлис депутатларига етказишга алоҳида эътибор бериш лозимлигини эслатиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

29 август куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатимиз Олий Мажлисидаги фракцияси йиғилиши булиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов шу масала буйича маъруза қилди.

—Парламентимиз мазкур сессияси муҳокамасига қўйилган фавқулодда муҳим масалалардан бири, деди у, Ўзбекистон Республикаси Президентининг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг давлат бошлиғи лавозимида бўлишининг иккинчи муддати, деб эътироф этиши ҳақидаги баёноти юзасидан сайловчилар фикрини ўрганиш мақсадида иккинчи сессияда тузилган Комиссия ахборотидир.

Ушбу масалага партиямиз, унинг Олий Мажлисдаги фракцияси, бир қанча жиддий сабабларга кура, ўта масъулият билан қарамоқда.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Президенти ваколатлари муддатини узайтириш ҳақидаги масалага шу йилнинг 26 мартида ўтказилган референдумда ўзининг жиддий муносабатини билдириб, ушбу ваколатлар муддатини 1997 йилдан то 2000 йилгача чўзди. Референдум натижалари И. А. Каримов республика фуқароларининг юксак ишончини қозонганлигини, халқимиз унинг раҳбарлигида ўтказилаётган мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, демократия ва қонунчиликни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, бозор муносабатларига ўтиш, маънавий янгиланиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва адолат тамойилларини чуқур илдиз орттиришга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаётганлигини намойиш этди.

Референдум Конституцияга, унинг ҳақидаги Қонунга тула-тўкис риоя этилган ҳолда ҳамда халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик, яқин ва узоқ хориждан келган кузатувчилар назорати остида ўтди. Демак, унинг натижалари олий юридик кучга эгадир.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Президент ва парламент ваколатлари муддатини бир-бирига мос ҳолга келтириш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият фаолияти уйғунлигини таъминлаш учун ҳам мазкур масала референдумга қўйилган эди. Зеро, ҳокимият бу икки муҳим тармоғининг мутаносиб ҳолда ҳаракат қилиши, улар фаолиятлари даврий муддатлари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш жамиятдаги мўжароли вазиятлар ва кутилмаган хатти-ҳаракатларни олдини олишнинг зарур шартидир.

Партиямиз референдумда фаол иштирок этишни, аввалбошданоқ, ўзининг муҳим сиёсий вазифаси, деб билди ва уни амалда исботлади. Умумхалқ овоз бериши ижобий натижа билан тугаган экан, бунда Ўзбекистон ХДПнинг, ундан давлат ҳокимияти барча даражадаги вакиллик идораларига сайланган депутатларимизнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси борлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Республика Президентининг юқоридаги баёноти ҳақида йиғилишда қўйидагилар билдирилди. Биринчидан, референдумда 1991 йилда 5 йил муддатга, яъни 1997 йилгача сайланган Ўзбекистон Президентининг ваколатлари муддати 2000 йилгача узайтирилди. Буни мамлакат Президентининг мазкур лавозимда булишининг иккинчи муддати, деб ҳисоблайдиган булсак, ушбу ваколатлар муддати аслида узайтирилмаган, аксинча, қисқартирилган булиб чиқади. Президент эса, ҳозир эгаллаб турган лавозимига иккинчи маротаба сайланиши учун унга Конституция берган ҳуқуқдан маҳрум этилган булади. Иккинчидан, ХДПдан сайланган Олий Мажлис депутатларининг иккинчи сессиядан кейинги учрашувларида сайловчиларимиз якдиллик билан Ўзбекистон Президентининг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг давлат бошлиги лавозимида булишининг биринчи муддати, деб эътироф этилишини талаб қилдилар. Партиямиз, унинг ташкилотлари, Олий Мажлисдаги фракциямиз диёримизда сиёсий барқарорликни таъминлашга бевосита даҳлдор ушбу ҳолатни ҳисобга олмасликлари, уни қуллаб-қувватламасликлари мутлақо мумкин эмас.

Шулардан келиб чиқиб, йиғилиш Олий Мажлисдаги фракциямиз аъзоларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қумитасининг ушбу масала буйича нуқтаи назарини, яъни Ўзбекистон Президентининг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг давлат бошлиги лавозимида булишининг биринчи муддати, деб эътироф қилиш ҳақидаги мамлакатимиз сайловчилари мутлақ кўпчилигининг хоҳиш-иродасини қуллаб-қувватлашга даъват этди.

Бўлажак сессия кун тартибига киритилаётган бошқа масалалар ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликдир.

Сессия кун тартибига киритилаётган мазкур ҳамда бошқа масалалар буйича музокараларда Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмаларини мувофиқлаштириш кенгаши раиси М. Олтиев, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов, Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти Шаҳрихон туман кенгаши биринчи котиби М. Отабоев, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темуров қатнашдилар.

Йиғилиш бир овоздан фракция аъзоларига Олий Мажлис учинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартибини қуллаб-қувватлашни ҳамда унда қабул қилинажак қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда парламентга ХДПдан сайланган депутатларнинг фаол иштирок этганликларини ҳисобга олиб, уларни асосан маъқуллашни, сессиянинг самарали иш олиб боришига муносиб ҳисса қўшишни тавсия этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қумитаси раиси Д. М. Ғуломова қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.



СУРАТДА: Олий Мажлис сессиясига келган депутатлардан бир гуруҳи. **В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.**

МАКТУБЛАР — ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Президенти номига келган хатларни ўқиб

Мустақиллигимизнинг шонли тўрт йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номига республика меҳнаткашларидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда чет эл мамлакатларининг раҳбарлари ва фуқароларидан кўпдан-кўп хат ва табрикномалар келмоқда. Фақат шу йилнинг ўтган даври мобайнидагина 40 мингга яқин шундай хат-хабар келди. Бу мактубларнинг муаллифлари — ишчи ва хизматчилар, деҳқонлар ва зиёлилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, диндорлар, ёшлардир. Қалб кўри, юрак амри билан ёзилган ушбу мактубларда давримиз нафаси — бугунги кун ташвишлари-ю, келажакка қатъий ишонч сезилиб турибди. Уларда жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан буён юртимизда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда юз берган муҳим ўзгаришлар, мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани, минтақада тинчлик ва осойишталикни барқарорлаштириш, серқуёш ўлкамизда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллатлар ўртасидаги дўстликни янада ривожлантириш ҳис-туйғулари баён этилган.

— Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, — деб ёзади жиззахлик ўқитувчи Ортиғой Очилова, — Сиз гўзал Ўзбекистонимиз тараққиётига жуда катта ҳисса қўшиб, бу ўлкадаги барча халқларни тинч-тотув яшаши, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиши учун тинмай меҳнат қилиб келмоқдасиз. Сизни мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида юргизаётган сиёсатингиз нақадар тўғри ва оқилона бўлиб, бу сиёсат нафақат бизнинг республикада, балки жаҳондаги илғор мамлакатларнинг раҳбарлари ва халқлари ўртасида ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Сизга келажаги буюк давлат бўлмиш Ўзбекистон ва унинг заҳматкаш халқи бахт-саодати йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман. Ҳамиша соғ ва омон бўлинг.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманининг Урта қишлоғида истиқомат қилувчи 70 ёшли Маҳамадўст Тонготаров ўз хатида, жумладан, бундай дейди: «Сизнинг Ўзбекистон равнақи йўлида олиб бораётган сиёсатингиз халқимиз юрагидаги асрий орзу-умидларга ҳамоҳангдир».

Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида яшовчи 95 ёшли Ўтабобо Отақуловнинг мактубини ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди: «Қарийб бир асрга тенг ҳаётимда қанчадан-қанча подшо-ю, давлат арбобларини кўрдим. Лекин сиздек зийрак, билимдон, халқ учун жонини фидо қиладиган юртбошини кўрганим йўқ. Мен сизга ҳавас қилиб, ҳурмат сифатида янги туғилган неварамнинг исмини Ислом, деб қўйдим... Биз кексаларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиздан бениҳоя миннатдормиз».

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридан Лидия Деркач қалб сўзларини шундай ифодалайди: «Мен рус аёлиман. Уч нафар фарзандим бор. Ўзбекистонни ўз Ватаним, деб биламан, унинг буюк келажагига ишонаман».

Самарқандлик Хосият Умирова, наманганлик байналмилал жангчи Мирзавали Ҳакимов, оҳангаронлик Абдулла Ҳайитов, шахрисабзлик Қ. Ҳолмуродов, бекободлик Дилбар Отахонова ва бошқаларнинг мактубларида Ўзбекистон раҳбари олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани аниқ мисоллар асосида баён этилган.

Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Новқат туманида яшовчи уруш ногирони 80 ёшли Қурбонбой ота Нурматов ўзининг дил сўзларини қуйидагича изҳор этган: «Мен Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлардан радио ва телевидение орқали хабардорман. Ўзбек халқи эришаётган барча ютуқларни сизнинг оқилона сиёсатингиз самараси деб биламан».

— Ҳаммамиз учун азиз бўлган Ўзбекистонда катта ўзгаришлар юз бермоқдаки, биз Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошлар бундан ниҳоятда хурсанд бўлмоқдамиз, — деб ёзади Абдураҳмон Абдуқаҳҳор Отахўжа Президентимиз номига йўллаган мактубида. — Сиз, жаноби олийларини Оллоҳ таоло доимо қўллаб-қувватлашини истаймиз!

Ўзбекистон кўпмиллатли республика. Ҳозирда бу ўлкада 100 дан ортиқ миллат ва элат фарзандлари яшаб, самарали меҳнат қилмоқда. Улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва осойишталик кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Наманган вилоятининг Норин туманида яшовчи Антонина Умарова давлатимиз раҳбарига йўллаган хатида бунинг учун Президентимизга раҳматлар айтган.

Президент номига келаётган кўплаб хатларда юртбошимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўли, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш, шунингдек, хусусий мулкни ҳимоя қилишга қаратилган Фармонлари ва қарорларини, жумладан, «1995 йилги пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосили етиштириш ҳамда давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари халқимиз томонидан қизғин кутиб олинганлиги баён этилган.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Булар меҳнаткашларнинг юртбошимиз номига йўллаган мактубларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ангренлик нафақахўр З. Исроилова бундай ёзади: «Мен Ангрен кўмир конида 35 йил ишладим. Мана, ўн уч йилдирки, қарилик гаштини сураяпман. Тақдир экан, ёлғизман. Бироқ, бу ёлғизликни сира ҳам ҳис этмаяпман. Бунга сабаб биз фахрийларга давлат томонидан кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор ва амалий ёрдамдир. Сизнинг фармонларингиз, ҳурматли Президент, мен каби инсонларнинг оғирини енгил қилмоқда, кучга-куч қўшмоқда, руҳини кўтармоқда, келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамламоқда».

Тошкентлик нафақахўр Валентина Мегрелишвили, косонсойлик биринчи гуруҳ ногирони Юсуф Қўчқоров, фарғоналик Ўғилчахон Умарова, хоразмлик Мадамин Эшчонов ва бошқа кўплаб фуқаролар ҳам ана шу мазмунда мактуб йўллаганлар.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида шундай деган эди: «Бугун Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинган. Бугунги қийин ва зиддиятли бир пайтда, мамлакатимиз сарҳадига яқин жойларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб турган бир вазиятда, бегуноҳ одамлар қурбон бўлиб, сарсон-саргардон кишилар кўпайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда инсон учун энг олий неъмат — яшаш ҳуқуқи ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқи тўла таъмин этилган». Олинаётган кўпдан-кўп мактубларда яратилган ана шундай шароит ва имконият учун юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этилган.

Фуқаролардан келаётган хатларда фақат шахсий масалаларгина кўтарилиб қолмай, балки, халқ ва давлатимиз манфаатига даҳлдор масалалар ҳам ўртага қўйилган. Бундай мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишига эришилмоқда.

Мамлакатимизда хўжалик юритишнинг замонавий усуллари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, коммунал хизмати ва ободонлаштириш идоралари, шунингдек, халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш ишларини ташкил этишни янада яхшилаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган мактублар ҳам анчагина, улар синчиклаб ўрганилмоқда.

Мактублар... мактублар... Улар шундай бир кўзгуки, бу кўзгуда давримиз, истиқлолимиз, бунёдкорлигимиз нафаси сезилиб турибди. Уларда халқимизнинг ҳаёти ва қувончи, мақсад ва тилаклари, эзгу орзу умидлари, она Ватанга меҳр-муҳаббати, мустақиллик ғурури ва ҳис-туйғулари ифодаланган.

(ЎзА).

«МУСТАҚИЛЛИК» ЛОТЕРЕЯСИ ТИРАЖИ

Байрам кунларида юз мингдан ортиқ киши автомобиль, мебель гарнитури, электр асбоблари, гилам ва бошқа қимматбаҳо совға олади. «Мустақиллик» лотереяси ташкилотчилари — Молия ва Алоқа вазирликлари, Марказий ва жамғарма банклар, «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» республика матлубот жамиятлари уюшмаси ана шунча ютуқ белгилаган.

Тошкентдаги «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш комплексида лотерея тиражи бошланди. У икки кун давом этади. Ўйин тантанасига пойтахтдаги меҳнат жамоалари вакиллари, республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари таклиф этилган. «Наврўз» саройининг катта залида тўртта механик барабан ўрнатилган. Уларга лотерея билетларининг рақами ёзилган найчалар солинади. Энг масъулиятли иш — ютуқ чиққан рақамларни тортиб олиш болаларга — Тошкентдаги 2- ва 24-меҳр-шафқат уйлари тарбияланувчиларига топширилган. Маълумотларни тираж комиссияси аъзолари рўйхатга олади. Солиштирилганда хатоларга йўл қўймаслик учун бир пайтнинг ўзида бу маълумотлар компьютер хотирасига ҳам жойлаштирилади.

250 миллион сўмлик «Мустақиллик» лотереяси билетларининг кўп қисми сотилган. Умумий миқдорнинг 75 фоизига ютуқ чиқади. Билетнинг рақамига ҳам, сериясига ҳам ютуқ чиқса, билет эгаси буюмнинг ўзини, агар рақамнинг ўзига ютуқ чиқса, билет нархига тенг пул олади.

Ютуқларнинг расмий жадвали 31 август куни республика газеталарида эълон қилинади.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ЎЗГАЧА ШУКУҲ БИЛАН



Пойтахтимиздаги «Нуроний» деб аталмиш иззатли чойхона бу гал журналистларни чорлади. «Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси мустақиллик байрами шарафига ош берди. Вилоятлардан ўз мухбирларимиз келишди. Ҳамма бир-бирини улуғ кун олдидан қутлашди.

Хушовоз хонанда Эркин Рўзиматов ва унга эш бўлган хонандалар Низомиддин Икромов, Сафарбой Алимбоев, созандалар Аҳмаджон Дадақўзиев, Рустам Хўжаев, Маъмуржон Мирдадаев, Бахтиёр Муҳаммадхўжаев, Собиржон Юсуповлар ўз куй ва қўшиқлари билан тадбирга шукуҳ бағишлашди.

Дастурхонга ош тортилиб ҳамкасблар, таҳририят аҳли истиқлол байрамининг дебоча тадбирини шоду хуррам ниҳоялашди. Хизматда бўлган «Нуроний»чиларнинг боши ҳамиша тўйлардан чиқмасин, санъат аҳлининг овози янада янграсин дея дуо қилишди йиғилганлар.

Ҳ. ЭРМАТОВ.

Асрлар оша яшайвер, Ўзбекистон!

Ҳаёт-сел

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини,
улуғ ўзбек халқини

Мустақилликнинг

тўрт йиллиги билан
чин қалбдан муборакбод этамиз.
Ўзбекистон асрлар оша мустақил
ва бой давлат бўлиб яшайверсин!

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd

HAR DOIM Coca-Cola

"КОКА - КОЛА" ИЧИМЛИГИ ТОШКЕНТ ЛТД ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Республикамизнинг барча ишчи-меҳнаткашларини, зиёлиларини, ўзбек халқини яқинлашиб келаётган мамлакатимиз Мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этади.


HAR DOIM Coca-Cola

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ "СУВЖИҲОЗГАЗ" қўшма корхонаси


мамлакатимиз Мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан республикамиз Президенти жаноб Ислом КАРИМОВни ва барча Ўзбекистон халқини муборакбод этади, бахт-саодат тилайди.

шунингдек "Сувжиҳозгаз" қўшма корхонаси

сув ва газ учун
турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини
таклиф қилади.
Сифатли, арзон, чидамли, бежирим



Сизларни кутамиз.
Тошкент, Воровский кўчаси, 26
"Чкалов" метро бекати.
Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94.
Факс: 96-14-20.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН

ОЧИҚ ТУРДАГИ "ЎЗКИМЁПОЛИМЕРСАВДО" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ҲИССАДОРЛАРНИ ВА ЎЗ ФАОЛИЯТИ МОБАЙНИДАГИ ҲАМКОРЛАРИНИ, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИНИ МУБОРАКБОД ЭТАДИ ВА БАРЧА ЭЗГУ НИЯТЛАРИГА ТИЛАКДОШЛИГИНИ БИЛДИРАДИ!

"Ўзулгуржибиржасавдо" акционерлик уюшмаси таркибига кирувчи очиқ турдаги "Ўзкимёполимерсавдо" акционерлик жамияти республика ва четдаги барча ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларни кимё, лак-бўёқ, резинатехника, полимер маҳсулотларини тижорат ва бошқа йўллар билан кенг кўламда таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишга чақиради.

Манзилимиз:
700038.
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси — 7.
Телефон:
41-17-54.
Тел/Факс:
41-07-82

BAT

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ —
"БРИТИШ — АМЕРИКЭН — ТОБАККО"
("БИ-ЭЙ-ТИ") КОМПАНИЯЛАРИ
ГУРУҲИНИНГ АЪЗОСИ —

UZBAT

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ


Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом КАРИМОВни ва бутун ўзбек халқини
буюк ҳуррият байрами — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг
тўрт йиллиги билан қизғин муборакбод этади.
Ўзбекистоннинг тараққий этиши ва гуллаб яшнаши йўлида жамиятни иқтисодий ҳамда ижтимоий
ислоҳ қилиш борасидаги амалий ва босқичма-босқич қадамлар бизни беҳад қувонтирмоқда.

Шу боис ҳам мустақил давлатнинг мустаҳкам иқтисодий базасини яратишга ўз ҳиссамизни қўшишга доимо тайёрмиз.



Қутлуғ айём арафасида Ўзбекистон халқига эсон-омонлик, барқарорлик ва равнақ тилаймиз!





Ўзбекистон - Америка
"АЛ-ФАРОСАТ"
қўшма корхонаси
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом Абдуғаниевич
КАРИМОВ
Жаноби Олийларини
ва БУТУН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ
Мустақилликнинг
4 йиллиги
билан самимий қутлайди
ва бахт-саодат, равнақ ҳамда
фаровонлик тилайди !

Манзилимиз:
Тошкент, Буюк Турон, 41
Тел: 33-91-92, 36-73-44

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ЎРМОН ҚЎМИТАСИ

Мустақиллигимизнинг 4 йиллиги байрами билан
Ўзбекистон халқини самимий қутлайди.

Ўрмончиларимиз ҳам истиқлолимиз тўйини
баланд руҳ ила кутиб олаётир.
Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш,
ҳур Ватанимиз янада озод ва обод бўлиши учун
ҳар биримиз ҳиссамизни қўшайлик.
Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин.
Серқуёш Ўзбекистонимизни боғу бўстонга,
яшил ўрмонзорларга буркаш
муқаддас бурчимиздир.

Яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам муборак,
азиз ватандошлар!



ҚУТЛОВ

"Ўзбек савдо уйи"
улуғ ўзбек халқига
Мустақилликнинг
тўрт йиллиги муносабати билан қизғин
табригини йўллайди ва хайрли ишида сиҳат–саломатлик
ҳамда омонлик тилайди.

"Ўзбек савдо уйи" истеъмолчиларга Хитойда ишланган 3,5 ва 4,5 кг. қувватли кир ювиш машиналарини,"200 6-20-121","200 6-20-148","200 6-50-154","200 6-50-100","200 6-50-140" маркали чуқурлик насосларини тавсия этади.Бу буюмларнинг кафолатли ишлаш муддати 25 йил. Бир йил ичида сотиб олинган эҳтиёт қисмлар бепул ўрнатилади.

Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси .Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 24 уй.
Тел: 34-64-79, 34-95-88, 35-31-47. Факс: 34-64-50.

Мулоҳаза

ОТА–ЎҒИЛ...

Ота...

Қисқагина бу калом ҳар биримиз учун қанчалар катта маъно ва мазмун касб этишини кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Аслида эса, бу дунёда кишиларнинг ҳеч бири отасиз туғилмайди. Тақдир тақозоси билан отасиз воя га етиб, оёққа туриш, мустақил ҳаётни йўлга қўйиш — қиз бўлсин, ўғил бўлсин — фарзанд учун нечоғли азоб-уқубат билан амалга ошиши ўша одамнинг ўзигаю биргина Оллоҳга маълум.

Демак, ҳар қандай жамият тараққиёти учун оталик бурчи бағоят масъул ва ниҳоятда муҳим масала.

Фарзандниг ҳаммаси ҳам ота деявермас-у, лекин аксар оталар бу дунёнинг моҳиятини фарзанд учун елиб-югуриш деб тушунадилар. Халқ бекорга ҳикматона қилиб: «Бир ота ўн фарзандни боқади-ю, ўн фарзанд бир отани боқа олмайди», — демайди. Тарих бунга ҳам нақл топган: ахир, падаримиз — Одам Атонинг оталари бўлмаган, фақат фарзанд деб яшаганлар, кишида отапарастликдан кўра фарзандпарастликнинг кучли бўлиши бизга мерос бўлиб қолган, экан!

Бугина эмас. Йиллар, асрлар, минг йилликлар мобайнида халқ ота-ўғил муносабатлари бўйича кўп қадим ва бой тажриба тўплаган. Шарқ халқлари, жумладан, ўзбеклар ҳам айнан ана шу ота-ўғил муносабатлари бўйича ҳам дунёдаги бошқа кўп миллатлардан ажралиб туради.

Бироқ, бешафқат XX аср бизни худди шу ота-ўғил муносабатлари, хусусан, отанинг ўғлини тарбиялаш билан боғлиқ қадим бой меросимиздан бир қадар йироқ тушган халққа ҳам айлантирди.

Бой отасини «синф сифатида тугатиш» учун қўлига қурол олиб жангга кирган «пролетар ўғил»лар кам чиқдими, дейсиз? Янги тузум кўп нарсани барбод қилиб ташлади. Касблар йўқолди, отадан ҳунар ўрганиш анъаналари бой бериб қўйилди, хусусий таълим-тарбиядек жаҳон тамаддуни эришган ютуқ ҳам улоқтириб ташланди. Отанинг илму маърифати ўғлига ўтмайдиган бўлиб қолди...

Биргина тасаввуфни олинг.

Биласиз, тасаввуф — поклик йўли, руҳни Оллоҳга етар даражада камол топтириш амалий фалсафаси эди. Авлиёларимиз ҳаётини ёритишга бағишланган маноқибу мақоматлар, тасаввуф тарихига оид бошқа талай манбаларда шайхларимизнинг ўғилларига қанчалар тарбиятлар берганларини ўқиб, ҳавас қиласиз. Ота камолоти фарзандга ўтиб, янада баландроқ поғоналарга кўтарила бораверган. Кўп шайхлар мурид тарбия қилишни, аввало, ўз ўғилларидан бошлаганлар.

Тарбия, тарбия... деймиз. Лекин, «Тарбиями бирламчи?»дейдиганлар жуда кўп. Рост: инкубаторда очирилган жўжача умрида ота-онасини кўрмаган бўлса ҳам, туҳумдан чиқиши биланоқ товуқлигини қилверади — оппоққина идишга солинган тозагина кепакни оёқчалари билан тита-тита, ҳамма ёққа соча-соча ейди.

Албатта, инсонда туғма истеъдод белгилари бўлмаса, ундан улуғ одам чиқиши амри маҳол. Бироқ буюклик аломати билан дунёга келган болани фақат ва фақат тарбия ва яна тарбия йўли билангина улуғлик пиллапоялари сари йўллаш мумкин. Авлиёларимиз тарихида ёш инсон шахс сифатида шаклланиб бўлганидан кейингина унга мустақил равишда ўзини камолга еткаришга рухсат берилган. Чунки тасаввуфда ҳеч бир сўфий қай бир пирга мурид тушмай иш кўриши мумкин эмас. Муридлик эса то пир берган тарбиясию билимини етарли деб ҳисоблагунча давом этади.

Бунда сир кўп. Баъзилар бола ўз-ўзидан камол касб этиб кетаверади. Уни ёшлигида ўз эркига қўйиб қўйиш керак, ҳозирча болалик гаштини суриб қолсин, деб ҳисоблайди. Йўқ. Боланинг ҳар куни, ҳар соати, ҳар қадами тарбиячи назоратида бўлиши шарт. Лекин буни боланинг эркларини бўғиш, унинг болалик гаштини суришга қўймаслик деб тушунмаслик лозим.

Ривоят қилишларича, бир боланинг ота-онаси Абу Али ибн Синонинг ҳузурига олиб бориб, унга: «Фарзандимизга тарбия беришни қачон бошлайлик?» — деб мурожаат қилибди. Шунда буюк олим: «Болангиз неча кунлик бўлди?» — деб сўрабди. «Уч кунлик», — дебди ота-онаси. «Эҳ, афсус, — деган экан шунда Ибн Сино. — Фарзандларингизга тарбия беришга уч кун кечикибсизлар-ку!».

Бу лоф эмас, ҳақиқат.

Улуғ авлиё — ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд ҳақидаги мақолаю китобларда кўп ўқиган бўлсангиз керак, ул зотни чақалоқлик пайтларида боболари замонасининг машҳур авлиёси — Муҳаммад Бобойи Самосий ҳузурларига олиб борган эдилар. Шунда Муҳаммад Бобойи Самосий чақалоқни фарзандликка қабул қилиб, унинг тарбиясини муридлари, яъни шогирдлари — Амир Кулолга топширган, ана шу топшириқни бажармасанг, икки дунё сендан рози бўлмайман, қабилида таъкид ҳам қилган эдилар. Мана, натижани кўринг, ана шу тарбия Баҳовуддин Нақшбанд миколида бутун башарият тарихида қандай буюк мева берди.

Ота-ўғил муносабатлари кеча ё бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Тариҳ ота-ўғил муносабатларининг жуда олий комиллик даражаларини ҳам, ўта тубанлик ҳолатларини ҳам кўп кўрган. Европа илми, хусусан, Зигмунд Фрейднинг руҳий таҳлил назариясига кўра, ота билан ўғил ўртасида табиий равишда ўзаро жиддий қарама-қаршилик бўлиши аниқ. Ғарб ҳаёт тарзи худди ана шу ҳолатнинг кўпроқ юзага чиқиши билан ажралиб туради. Бироқ Шарқ Шарқ-да.

Шарқ, хусусан; мусулмон олами сайн Мирзонинг катта ўғли — Султон Бадиуззамон Баҳодирга насиҳат тарзида битилган. Тарихдан биламизки, Султон Ҳусайн билан Бадиуззамон ўртасидаги муносабатлар жуда кескин эди. Бадиуззамон суюкли ўғли — бегуноҳ йигитча — Мўмин Мирзонинг ўз бобоси Султон Ҳусайннинг ғафлатда чеккан имзоси билан қатл этилиши Будиуззамонни ўз отасининг ашаддий душманига айлантирди.

Навоий ана ўша Бадиуззамонга насиҳатдан кейин бир ажиб ҳикоят келтиради. Бу ҳикоят Баҳоуддин Нақшбандниг халифаси, яъни ўринбосари — Хожа Муҳаммад Порсо билан унинг ўғли — Хожа Абу Наср ўртасида ота-ўғиллик муносабати ҳақида.

Шайх Хожа Муҳаммад Порсо ширди. Хўш, ўғил нима қилди, дерсиз? Албатта, амри падар — вожиб. Ўғил йиғлай-йиғлай дуо учун қўл очди, шунча халойиқ — ҳожилар номидан улуғ-улуғ муножотлар айтди. Дуо қилиб бўлингач, ота йиғи аралаш: «Илоҳи, омин!..»деди. Ана шунда ўғил ҳам ота тарбиясини олганлигини, шундай улуғ отага лойиқ фарзанд эканини эл олдида намоён этди. Ўғил сўнгги бор яна дуога қўл очиб: «Агар мен дуони эплай олмаган бўлсам, ҳеч бўлмаганда, отажонимнинг оминларини ижобат қилиб, инобатга оларсан, эй Оллоҳ!» — деди:

Сўнгги дуо бу эдиким: «Ё оллоҳ,
Дермен уётдин сенга айлаб паноҳ:

Билмас эсам мен тилак ойинини,
Айлама зоеъ аниинг оминини».

Худди ана шу масалада ҳам Ғарбдан тамом фарқ қилади.

Хўш, исломий Шарқ ота-ўғил ўртасидаги ана шу табиий зиддиятни билмасмиди? Айниқса, бошдан оёқ руҳ, яъни маънавият тарбияси билан машғул бўлган тасаввуф бундан бехабармиди?

Албатта, тасаввуф бу борада Зигмунд Фрейд даражасида муайян илмий хулосалар баён этмаган. Бундай махсус назария ҳам яратмаган. Зигмунд Фрейд назарияси — инсон руҳиятини тадқиқ этишда Европа илми эришган ютуқ. Лекин, ахир, тасаввуф туб моҳияти билан нафақат ота-ўғил ўртасидаги нохуш муносабатлар, балки, одамда намоён бўлиши мумкин жамики иллатлар, барча ноинсоний, яъни ҳайвоний хусусиятларни йўқотишга, ўзлик — худбинлик, худпарастлик билан боғлиқ барча-барча камчиликларни тузатишга, беайб, пок, комил инсон даражасига кўтарилишга қаратилмаганми эди?

Бутун ижоди моҳиятан тасаввуф руҳида бўлган улуғ Алишер Навоийнинг ўз даври ҳукмдорлари — темурий мирзолар аро ўзаро қирпичоқ муносабатлар, хусусан, ота-ўғил ўртасидаги низоларнинг олдини олиш учун кўп ўринларда айнан ана шу тасаввуф тарихидан, шайхларнинг намунали ҳаётларидан мисоллар келтириши бежиз эмас эди.

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг йигирманчи мақолоти Султон Ҳусайн Мирзо ўғилларига насиҳат қилишга ўтади:

Ё Раб, ул омину дуо ҳурмати,
Ё у ўғул бирла ато ҳурмати,

Ким бу ато бирла ўғулин мудом,
Давлату дин тахтида тут мустадом.

Ўзга ўғилларни ҳам эт муҳтарам,
Анга — ўғул, мунга — иниларни ҳам.

Навоий Бадиуззамонни, Султон Ҳусайннинг бошқа ўғилларини оталарини ана ўша авлиёнинг ўғли каби ҳурматлашга чақиради, укаларни эса акалари — Бадиуззамонни ота ўрнида кўришга даъват этади. Навоий темурийлар салтанати айнан ана шу тахт талашиб, ота-ўғил, ака-ука муносабатлари фожиъ бир ҳолга келиб қолганини, демакки, халқ, миллат, мамлакат ҳалокат ёқасига яқинлашаётганини ҳис қилмаслиги, сезмаслиги, олдиндан кўрмаслиги қийин эди. Бу дард ҳаммадан кўра кўпроқ шамс ул-миллатимиз — ҳазрат Навоийни изтиробга солар эди.

Агар ҳар бир оилада ота-ўғил муносабатлари юксак инсоний маданият даражасига кўтарилмас экан, отанинг ҳам, ўғилнинг ҳам, хонадондаги бошқа аъзоларнинг ҳам ҳаётида ҳаловат йўқолади. Бу — ҳаётнинг жиддий масалаларидан бири. Бунга бефарқ қараб бўлмайди. Агар ота маърифатли бўлса, ўғлини болалигидан жиддий тарбия йўли билан вояга етказган бўлса, ўйлаймизки, бошқалар ҳавас қиладиган ота-ўғил муносабатларига эришиш мумкин.

Ота ўғил олдида ҳаддан ташқари бурчдор. Лекин бу фарзандниг камоли учун ҳамма ишни ота қилиб бериши керак, дегани эмас. Мутлақо. Бошқа бир жиҳат ҳам бор. Худо умр берса ва имкони топилса, ота ўғил олдидаги бурчларини бажариб улгуриши мумкин. Аммо ўғил ота олдида шу қадар бурчдорки, унга юз йил яшаш насиб этса ҳам, бу бурчни бажариб адо қилдим, деб ҳисоблашга ҳаққи йўқ.

Яна бир гап. Ҳеч қачон фарзандниг ота аҳволини ҳисобга олмай туриб ундан нимадир ноўрин тамаъ қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Отанинг ўғлидан норози бўлишидан кўра, ўғилнинг отадан домангир бўлиб қолиши осонроқ. Чунки кўпинча ёш кишининг ҳаёт ҳақида, унинг машаққатларию мураккаблиги хусусида, энг муҳими, отанинг имкониятлари тўғрисида тасаввурлари ҳамиша ҳам мавжуд воқеликка мос бўлавермайди. Энг хавфли нарса — фарзандниг ота имкониятлари ёки унинг ўғли олдидаги бурчларини керагидан ортиқ баҳолашида. Ана шу ғайри тасаввур, албаттаки, натижа кутади. Бир кун келиб ўша натижа амалга ошмагач, ўғил сабабини имкониятдан эмас, кўпроқ отасидан кўради. Бу эса отани бағоят оғир аҳволга солади. Ўғил эса асоссиз равишда отадан ранжийди.

Баъзилар қандай ва қаердан бола-чақа боқаётганларини ўғилларидан сир тутадилар. Бунга ҳам турли сабаблар бор, албатта. Асосий сабаб шуки, истайсизми-истамайсизми, қонунлардан ҳам, эътиқодлардан ҳам устун турадиган бир умумий мезон мавжуд. Бу ҳар бир отанинг ўзигагина маълум бўлган бола-чақа деб уйига олиб келаётган ризқнинг ҳалол ё ҳаром йўл билан топилаётгани масаласи. Ҳаромхўрлиги билан мақтанишни ҳамма ҳам истайвермайди. Кўпчилик эса топганининг ҳаромлигини юз фойз билса ҳам, уни бошқалар, хусусан, фарзандларига ҳалолга йўйиб тушунтиришни жуда яхши кўради.

Баъзилар қаердан бола-чақа боқаётганларини ўғилларига билдиришни миннат қилиш бўлади, деб ҳисоблайдилар. Йўқ. Фарзанд, хусусан, ўғил, улғая боргани сари, отасининг қандай кун кўраётганини билиб ўрганиб, имкони бўлса, ана шу ишга кўмаклашиб бориш керак. Шунда ўғил ота меҳнатининг қадрига етадиган бўлади. Ундан ҳам керакли томони шуки, ўғилнинг ўзи ҳам оддийгина ҳаёт кечириш тинимсиз меҳнат қилишдан иборат эканини онгига сингдириб боради.

Ахир, кўп инсонлар бахтсизлигининг асосий сабабларидан бири айнан ана шу дангасалик, меҳнат қилмай кун кўришни хаёл қилиш оқибати эмасми?! Одам ҳам Оллоҳ яратган бир жонзот эканми, у ҳам ризқи рўз учун жон куйдиришга мажбур. Қушларни олинг. Тонг отмасидан улар уйғоқ. Куни бўйи учиб-елиб ўзига ризқ излайди. Бир кун дангасачилик қилсин-чи, аҳволи нима кечар экан?!

Одам боласи эса — ақлли жонзот. Ақллилиги учун ҳам у барча жонзотларнинг сарвари. Лекин худди ана шу ақл баъзилар, эҳтимолки, жуда кўпчилик онгида тинимсиз ишламай тишлашнинг йўлларини излаш қайфиятини пайдо қилган. Жамиятдаги аксар қарама-қаршиликлар, жуда кўп ижтимоий муаммоларни айнан шу қайфият келтириб чиқараётган бўлса ҳам, ажаб эмас.

Ҳозир меҳнатга хафсаласиз ёшларнинг кўпайиб кетгани нимадан? Қисман — фарзандларнинг отанинг ишбилармонлиги ва ё меҳнаткашлиги орқасидан кун кўришга ўрганиб қолганидан. Лекин, ахир, кишини қачонгача отаси боқиши мумкин?

Ўн саккиз — йигирма йилнинг ўтиши қийинми, дейсиз? Анамана дегунча ўғил йигит бўлади: қадду қомати келишган, бўйи бўйингизга баравар... Лекин, қай кўз билан кўрингки, шундай меҳнаткаш отанинг боласи ҳаётнинг бирон-бир эҳтиёжига ярамайди: икки қўли чўнтакда, тумшуқда сигарет, на бирон касбнинг этагини тутган, на бирон ҳунарнинг. Икки қўли чўнтакда: «Берсанг — ейман, бўлмаса — йўқ» — деб ўтирибди.

Ана шунда ота пешонасига бир уради: афсус: энди жуда кеч бўлган. Абу Али ибн Синога олиб келинган чақалоқнинг ота-онаси уч кунгина кечиккан эди. Бироқ энди ўн саккиз-йигирма йиллик кечикишни қандай тузатасиз?

Бу фақат ўғилнинггина айби эмас.

Демак, отанинг ўғли олдидаги энг муҳим бурчлари сирасига, биринчидан, унга меҳнат қилишни ўргатиш, иккинчидан ишламай тишлаш қайфияти авж олиб кетишига йўл қўймаслик бўлса керак.

Хуллас, оталик бурчи кишига кўп улуғ масъулиятлар юклайди. Моҳиятидан келиб чиқилса, аниқ бўладики, бу — фақат ўғил эмас, аслида, бутун юрт ва жамият олдидаги юксак масъулият.

Султонмурод ОЛИМ,
халқаро Аҳмад Яссавий
мукофоти соҳиби.

Ўзбекистон ва жаҳон

САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО ИНСТИТУТ

Маълумки, ЮНЕСКОнинг қарорига кўра Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилган эди. Бу маърифат масканининг айнан қадимда Амир Темур салтанатининг довруғли маркази бўлган, Буюк ипак йўлида катта карвонсарой ролини ўйнаган ва бугунги кунда эса дунёга юз тутаётган Самарқандда ташкил этилаётганлиги бежиз эмас. Бу заминда Марказий Осиё халқлари тарихининг ноёб дурдоналари мужассамдир.

Ўтган шанба куни мана шу институтнинг очилиш маросими бўлди. Дарвоқе, унга университет хиёбонида янгидан қад кўтарган ажойиб бино ажратилди. Очилиш маросимига ЮНЕСКОнинг Бош директори Федерико Майор, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, мамлакатимиздаги чет эл элчихоналари вакиллари етиб келдилар.

Вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов институтни ташкил этиш, уни қуриш ҳамда келгусида унинг фаолиятини кенгайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида гапирди.

Ф. Майор ушбу маърифат масканининг қадимий ва навқирон шаҳарда очилганлигини алоҳида таъкидлади ва унинг нуфузи янада улкан бўлишини айтди.

Меҳмонлар Самарқандда ташкил этилган чет тиллар институтининг очилишида ҳам иштирок этдилар. Федерико Майор Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарорига кўра шаҳарнинг фахрий фуқаролигига қабул қилинди.

Тантаналарда республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров иштирок этдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик мушоираси

ОЗОД ЎЗБЕКИСТОНИМ, ОЙДИН ОСМОН МУБОРАК!

Нурулло ОСТОН

ЎЗБЕКЛАР

Ўзбеклар уйига келганда меҳмон
Пойига тўшайди юрак қўрини.
Энг аввал, қўйини сўйишдан олдин
меҳмонга беради уйнинг тўрини,
Кўнгилни олади қурби етгунча,
келтирар таомнинг сархилларини.
Меҳмон тусаб қолса, бир имо билан
топади шаробнинг ҳар хилларини.
Туркий луғатлардан излаб топмадим
меҳмонни камситган бирор-бир сўзни.
Ўзбеклар шундай халқ,
эшикдан келса,
дўст-у, душманидан аямас тузни...

Дилором ФИЁСОВА

ЭЛ БЎЛДИНГ, ХАЛҚ БЎЛДИНГ...

Мустақил юрт бўлдинг, Ўзбекистоним,
Эллардан элларга таралди шонинг.
Янгради барингда озодлик сози,
Жаҳонни жалб этди ўзбек овози.
Энди кўтармайсан таънаю миннат,
Эл бўлдинг, халқ бўлдинг, сен энди миллат!
Нон ҳиди таралар тегирмонингдан,
Барака кетмасин дастурхонингдан.
Имонни бут айла, соф ниятингни,
Тикла удумлару қадриятингни.
Фарзандлар ўқисин қадим имлони,
Тилидан қўймасин, Ҳақни — Оллоҳни.
Сен Темур авлоди, қудратинг аъзим,
Нечун ўзгаларга айламак таъзим.
Элинг ҳур, тилинг ҳур, бўлсин дилинг ҳур,
Дадил қадам ташла, мағрур олға юр!

Улаш УМАРОВ

ҚУТЛУҒ ДАВРОН

Улуғ юрт Ўзбекистон, истиқлолинг муборак,
Ўзлигингни билган кун — истиқболинг муборак,
Аждодларим орзулари ушалган кун муборак,
Ўн икки ой бахт тиловчи мустақил туғ муборак,
Озод Ўзбекистоним, ойдин осмон муборак!
Тўрт довон ошиб ўтдинг, қутлуғ даврон муборак!
Истиқлол замонида мард халқим омон бўлсин,
Юрт суйган одамларнинг кўкси хўп осмон бўлсин,
Элининг тожу тахти — мустаҳкам имон бўлсин.
Ватанни севганлар-ей, энг бахтли инсон бўлсин,
Озод Ўзбекистоним, ойдин осмон муборак!
Тўрт довон ошиб ўтдинг, қутлуғ даврон муборак!

Зарбуви АЛҚАРОВА

СОҒИНЧ

Хазон бўлган япроқларга
Исминг ёзгим келади,
Шошиб эсган шамолларга
Сочиб оттим келади.
Шамол бир-ла учиб мен ҳам
Бориб кўргим келади

Оҳ! Кўришнинг чорасини
Топиб олгим келади.
Соғинч бир-ла кўзларингни
Кўриб суйгим келади
Юрагимга буюк қалбдан
МЕҲР қўйгим келади.

Ғулом ШОМУРОДОВ

ИСТИҚЛОЛ

Ноёб таъми ширин болдан
Бир тотдингми,
Сен— ҳумор.
Гўзалликда ойдан гўзал
Кўрдингми,
Сен — беқарор.

Бол яратмоқ эмас осон
Билар асаларилар.

Ишқ йўлида тикилар жон,
Тоғда ариқ қазилар.

Шунда сенга толе ёрдир
Қулиб боқар истиқбол.
Шундай ширин,
Шундай гўзал,
Бизнинг буюк истиқлол.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО

ЖОНИМ ФИДО СЕНГА

(ҚУШИҚ)
Кеча-кундуз хаёлимда-ёдимда,
Зикр этарман номингни ҳар одимда,
Сенинг васфинг мудомо ижодимда,
Жоним нисор сенга, ЎЗБЕКИСТОНИМ.
Фарғона, Наманган, гўзал Андижон,
Қорадарё, Сирнинг суви танга жон,
Ҳисор, Олой, Чотқол, бағри гулга кон,
Жоним қурбон сенга, ЎЗБЕКИСТОНИМ.
Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Навоий,
Ҳар бири ўзбекнинг хуршиди, ойи,
Лангар ота, Нуроталар хос жойи,
Жоним фидо сенга, ЎЗБЕКИСТОНИМ.
Орол бўйи — Қорақалпоқ, Хоразм,
Ал Хоразмий, Беруний, Полвон пирим,
Нажмиддиним, Ҳамадоним — ғурурим,
Жоним пайванд сенга, ЎЗБЕКИСТОНИМ.

Обидхон ҲАМИДОВ НАЖМИДДИНХОН ўғли

* * *

Ҳаёт билан баробар бўлинг,
Болаликда бола бўлингиз.
Умр берса, келса кексалик
Ёшлигингиз эслаб юрингиз.
Мангу ёшлик истаманг сира,
Ўз гаштини сурсин ҳар йиллар.

Бу бахт эмас, етмишда-ю ёш,
Ўн еттида бўлса кўнгиллар.
Ҳар нарса ўз вақтида гўзал,
Тарк этмасин сизни ҳуш дамлар.
Лекин доим сўранг худодан
Бола бўлиб қолманг одамлар.

Ўзбек феъли

БИР КУНДА 167 ҚУВОНЧ

Китобдаги вилоят «Меҳрибонлик» уйи ҳовлисидаги бу шодиёна одатдаги тўйлардан фарқ қилмасди. Куй-қўшиқ, қутловлар, ноз-неъматлар тўла дастурхон. Аммо, барибир ўзгача қувонч, ўзгача удум ва меҳр-оқибат даракчиси эди бу. Бир хил бичимда тўн кийган болалар қувончини тасаввур қилмоқ қийин. Лекин улар бир кун келиб катта йигит бўлиб етишгач, бу кунни эслаб, мурувватли, саховатли одамлар яшаётган Ватанлари билан фахрланишади...

Қўёш уфққа қараб оққан. Китобликлар гурас-гурас бўлиб тўйга келишмоқда. Сағирлар, кўнгли ўксик болалар меҳр ва ардоқ топган тарбия масканининг кенг ҳовлиси гавжум, дастурхонлар ёзилган. Тўйбошилар ўзаро маслаҳатлашиб олишади, меҳмонларга пешвоз чиқишади. Хушбичим кийимлар кийган болалар уйи тарбияланувчилари қувончини таърифлашга сўз топилмайди.

— Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 5-болалар уйимизни «Меҳрибонлик» деб номладик,—дея қувончини яширмади мудира Шоҳиста Қодирова. — 100 нафар тарбияланувчи орасида етимлари ҳам, ночор оилаларда ўсганлари ҳам бор. Боланинг кўнгли гулдан нозик. Ҳамма орзу-ҳавасларга қурбимиз етмайди албатта. Тарбияланувчиларимиздан Шуҳратжон, Умиджон ва Қурбонжонларнинг суннат тўйини ўтказишни ният қилиб юрувдик. Шундай пайтда саховатли укаларимиздан Авазжон Толипов бу савоб ишни зиммасига олди. Унинг ҳиматига раҳмат. Тўй муносабати билан 54 нафар қизимизга чиройли матодан кўйлак, 46 нафар ўғлимизга костюм-шим тикдириб берди. Гап кийимда, еб-ичишда эмас. Болаларнинг қувончини қаранг. Бу кун улар дунёда яхшилик, мурувват, оқибат яшаётганлигига яна бир бор амин бўлишди...

—Мен нима дейман — дейди Авазжон уйнаб кулаётган болаларга ўйчан тикилганча. — Юртимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган шароит туфайли ниятларимиз рўёбга чиқаяпти. Дўст-оғайниларимиздан Эркин, Салом, Ҳамза, Фармон ака — ҳаммамиз ўзаро 60 минг сўм йиғдик. Кўпдан бери болалар уйи тарбияланувчилари учун бир тўй қилиб беришни дилимизга тугиб қўйгандик. Йўқ, буни обрў учун қилмадик. Аксинча, савоб учун ҳамда шу болакайларнинг кўнглида яхшилик нурлари ёришиши учун уриндик.

Авазжонларнинг қутлуғ ниятини туман ҳокимлиги, қолаверса, сергайрат ҳоким Озод Пармонов эшитиб суюнди. Тўй-тўйга уланиб кетди. Туман қишлоқларидаги ночор оилаларнинг фарзандларини ҳам қўшиб битта катта тўй ўтказишга келишишди. Қўшимча сарф-харажатларни эса хўжаликлар ўз зиммаларига олди. Шундай қилиб десангиз 167 нафар боланинг катта тўйи бошланиб кетди.

—Мен ва турмуш ўртоғим ногиронмиз, — дейди Раззоқ Шайманов номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Шарофат Холбоева суюниб-суюниб. — Уғлимиз Суҳробжон олтига кирди. Қўлимиз калталик қилиб вақтида тўйини ўтказолмадик. Мана яхши инсонлар кўмагида қутлуғ кун арафасида катта даврада тўй ўтказяпмиз. Бизларни қўллаганларни Яратганнинг ўзи қўлласин. Бу яхшилик эсимиздан чиқмайди...

Тўйда тошкентлик машҳур мўъжизакор Йўлдош Жўраев ўзининг ғаройиб кароматлари билан ҳаммани лол қолдирди. Айниқса болакайларнинг ҳайқириқларини айтмайсизми. Сўнг... миттигина ўғлон сўз олди: «Мен бугундан бошлаб Авазжон акани дадажон дейман!» Бир лаҳза жимлик чўкади. Кўнгиллар қалқиб кетади. Юраклар ларзага келди. Кейин...

Ҳамма-ҳамма савобталаб йигитларга, инсонларга таҳсинлар айтди. Олис тоғли Китобдан бошланган саховат тўйи халқимизнинг муборак байрамига уланиб кетди.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

«Ҳар ким савоб иш қилиши керак, ҳар куни савоб иш қилиш керак» шиори остида Республика ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги биргаликда Ўзбекистон миллий боғида «Мустақиллик, аёл, ва жамият» қўшма ҳайрия тадбирини ўтказди.

Тадбир Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланди. Кечани халқ артисти Ёқуб Аҳмедов олиб борди. Анжуманда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Дилбар Ғуломова «Мустақиллик бу ўтмиш аёллари армонларининг рўёбга чиқишидир. Шундай экан юртимиз фаровонлигида аёлларнинг роли ниҳоятда катта» деб таъкидлади у. Кечада шоиралардан Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Нуруллаева, Нилуфар Холхўжаева ва бошқалар иштирок этиб, ўз ижодларидан намуналар ўқидилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов, Ҳотам ҳофиз Қодиров, хонанда Эркин Рўзиматовлар ўз санъатлари билан йиғилганларни хушнуд қилдилар.

Жамғарма томонидан барча ташриф буюрган хотин-қизларга совғалар улашилди. Ҳар бир туман хотин-қизлар қўмитаси раисларга Тошкент шаҳрининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси учун шаҳар ҳокимининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Кеча давомида жамғарма раиси Шабот Хўжаев сўзга чиқиб, инсондаги мана шундай савоб ишларга қўл урилиши эркинлигимиз шарофати эканлигини таъкидлади. Ташриф буюрганлар уюштирилган тўкин дастурхондан, уларга кўрсатилган бундай саховатдан мамнун бўлдилар.

Лутфия ҒУЛОМОВА,
Республика ўзбек тили марказининг ўқитувчиси.

Хотин-қизлар кенгаши

СЕПЛИ КЕЛИН ЯХШИМИ ЁКИ ЭПЛИ?

«Емай-ичмай, дам олмай топганимизни тўйга йиғамиз. Қарзга ботамиз. Тўғри, тўй тўйдек ўтиши керак. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам меъёрда бўлгани яхши. Келин томонга сарполар ҳаддан ташқари кўп юборилмоқда. Келиннинг сепидан кўра уни эпли бўлишига кўпроқ эътибор берсак бўлмайдими? Шунда қўйди-чиқдилар анча камаярмиди? ЗАГСдан ўтиш маросими эса борган сари дабдабали тус олаётир. Икки-уч киши ўрнига, 8-10 та енгил машина, нокерак гувоҳлар иштироки зарурми? Уринсиз харажатларга қачон чек қўямиз? Икки ёшни ота-она бўлишига ҳам маънан, ҳам жисман ҳали тайёр эмаслиги, бу борадаги тарбиявий ишларни етарли эмаслигини оила бузилишига асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин...»

Яқинда «Дўрмон» жамоа хўжалигида йиғилган Қибрай тумани фаоллари — тадбиркор хотин-қизлар, оналар, маҳалла қўмиталари раислари, ҳокимлик раҳбарлари «Тўй ва маъракаларимиз камхарж бўлсин» мавзуида мунозарага тўпланиб, юқоридагидек фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Мазкур анжуманнинг бошқаларидан фарқи шу бўлдики, унда ҳеч ким алоҳида маъруза билан чиқмади. Кимда қандай таклиф, фикр-мулоҳаза бўлса бемалол ўртага ташлади.

— Эркак бош бўлса аёллар унинг буйини, буйин қайси томонга бурилса бош ҳам ўша ёққа эргашади, — деди тумандаги «8 Март» санаторийси бош врачи Гулчеҳра Ибрагимова. — Демак, тўй ва маъракаларни камхарж қилиб ўтказишда биз, аёллар кўпроқ жон куйдиришимиз, соғлом авлодни тарбиялашда масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Йиғилишда ЗАГСдан ўтганлик ҳақидаги ҳужжатни никоҳ тўйи ўтаётган ҳонадонда топшириш, намунали оилалар сонини кўпайтириш, ўзини оқламаётган урф-одатларга янгича шакл ва мазмун бахш этиш, оилалар тотувлигини, мустаҳкамлигини таъминлашга барча жамоат ташкилотлари эътиборини қаратиш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Анжуманни туман ҳокими А. Йўлчиев олиб борди. Йиғилиш сўнггида туман фуқароларининг вилоят аҳлига мурожаатномаси қабул қилинди.

***

Р. Шредер номли илмгоҳ боғида эса Тошкент тумани хотин-қизларининг «Аёл ва замон» мавзуида йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ва республика хотин-қизлар қўмитасидан, қўшни Чимкент вилояти, Сариоғоч туман ҳокимликларидан вакиллар қатнашди. Анжуманни туман ҳокими Р. Акбаров бошқарди. Сўзга чиққанлар аёлларнинг соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятдаги ўрни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қўшни республикалар хотин-қизлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқ хўжалигининг турли соҳаларида аёллар улушини кўпайтириш каби долзарб масалалар ҳусусида тўхталдилар.

Йиғилиш охирида туман меҳнаткашларига қарата мурожаатнома қабул қилинди.

Абдунаби МАННОПОВ.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«АЛОН» хусусий фирмаси 1995 йил 1 сентбрдан бошлаб Покистон маҳсулотларининг савдо кўргазмасини

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

Савдода: чарм буюмлари, халқ истеъмоли моллари, аёллар ва эркаклар пойабзали.

Улгуржи харидорларга 10 фоизгача чегирмалар бор ва фирмадан совғалар тақдим этилади.

Биз сизларни «Яҳъёхон» дўконида кутамиз.

Манзилимиз: Навоий шох кўчасидаги савдо қатори. Мўлжал: «Оймомо» парки.
Телефон: 44-54-35.



Тўй бўлгани яхши. С. МАҲКАМОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ
PRESIDENT'S CUP
28.8-3.9.1995

ЎҒЛОНЛАР ҚЎЛИДА ҚУЁШ ЯНГЛИҒ ТЎП

Кеча «Юнусобод» теннис ўйингоҳида «Президент кубоги»учун халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди

Истиқлол байрамини нишонлаш арафасида турган тошкентликлар тароватли бу оқшомни узоқ эслаб юрадиган бўлишди. Байрамона безатилган теннис ўйингоҳида бир неча бор олқишлар янгради. Одамлар кўнгилларига ифтихор билан Ватан туйғусини туйдилар. Юртимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилаётганини, халқаро миқёсда обрў-эътибори ортиб бораётганини яна бир бор ҳис этдилар.

«Ишончим комилки, — дейилади юртбошимизнинг халқаро мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларига йўллаган табригида, — жаҳондаги турли мамлакатлардан келган энг кучли теннисчилар қатнашадиган ушбу халқаро турнир нафақат спорт ришталарини янада мустаҳкамлаш, балки халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро ҳамфикрликни мустаҳкамлашга, спортнинг бу энг олижаноб тури бўлмиш теннисни янада кенг тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшади». Дарҳақиқат, ўлкамизда келажагимизни ёш авлод қулига топшириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Зеро, ёшларимизни маънавий ва жисмоний баркамол бўлишлари тақозо этилади. Мамлакатимизда таъсис этилган дастлабки орденнинг «Соғлом авлод учун» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Ваҳолонки, ҳали жаҳоннинг бирон мамлакатида бундай хайрли ишга қўл урилмаган. Мақсад оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод омили саналган спорт ва жисмоний тарбияни янада ривожлантириш билан эзгуликка интилишдир.

Халқаро теннис уюшмасининг ишончли вакили Карлберг дастлаб, аниқроғи уч ойча илгари «Юнусобод» ўйингоҳига илк марта ғишт қўйилган паллада келган эди. У қисқа вақт ичида бу ерда халқаро мусобақа бошланишини тасаввур ҳам қилолмаганди, ўшанда. Зотан, иккинчи бор келишида бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб: «Кўзларимга ишонмаяпман. Ўзбекона ишчанлик нималигини энди англадим!», деган эди. Ушандан бери орадан бир йил ўтди. Тарихан бир сония деса арзигулик бу муддатда мамлакатимизда теннисни ривожлантириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада «Буюк ипак йўли» халқаро мусобақасининг ўтказилгани катта теннис йўлига кирилганидан нишонадир. Қолаверса, бу йил Наманган, Андижон шаҳарларида ҳам ажойиб ўйингоҳлар битай деб қолди. «Олтин водий» деб номланган халқаро мусобақани юртимизнинг ана шу сўлим шаҳарларида ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу мусобақаларнинг мукофот жамғармаси 25 минг доллардан бўлади.

Осиё теннис федерацияси юртмизда амалга оширилаётган ўзгаришларни эътироф этмоқда. Хусусан, бугунгача Осиёда Гонконг билан Шри Ланка теннис марказлари ҳисобланган бўлса, энди уларнинг қаторига Ўзбекистон ҳам қўшилади, деб дадил айтилмоқда. Бундай баҳолар шунчаликка айтилмайди. Мусобақа арафасида ўтказилган матбуот конференциясида ҳам мулоҳазали фикрлар ўртага ташланди. Республика спорт қўмитаси раиси Собир Рўзиев: «юртимизда теннис оммавийлашиб бораётгани, унга қизиқувчилар кўпаяётгани»ни таъкидлаб, йўлдан бор қилинаётгани, яъни теннисчиларимиз 60 дан 1000 нафарга етганини чин дилдан изҳор этди». Халқаро мусобақа ташкилотчиларидан Сасон Какшури барча ишлар ижобий ва салмоқли бўлаётганини сўзлаб, яна бир неча кундан кейин юртдошларимизни юқори гуруҳга ўтиш учун имкон берадиган «Девис» кубоги учун хитойликлар билан Тошкентда ўтказиладиган мусобақа ҳам Ўзбекистон кичик тўп уйинини ривожлантириш борасида собит қадам ташланаётганидан мамнуният билдирди.


Ўзбекистон теннис федерациясининг президенти, республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ғолибларга мулжалланган бош соврин ҳақида сўзлаб, унинг кумуш ва биллурдан ясалган, сиртига ҳозирча битта ном, у ҳам бўлса ўтган йилги мусобақа ғолиби АҚШлик Чак Адамс сўзлари зарб этилганини билдирди. «Ўзбекистон, деди у, — келажаги буюк давлат. Бундай юртнинг эгалари ёшлардир. Уни фақат соғлом авлод эгалари бошқаради. Уйлайманки, теннис бу борада ўзига хос омил бўлади. Яқин келажакда бош совринга ўзбек ўғлонининг ҳам исми ёзилади».

Яхши ният ярим мол дейишади. Бу йўлда ҳаракатлар бошланган. Анъанага кўра катта совриндорлик баҳси олдидан ўтказилган саралаш баҳсларида бир қатор ўзбек йигитлари ҳам майдонга тушдилар. Албатта, улар орасида мухлисларга яхши таниш бўлган Темур Ғаниев, Темур Хонхўжаев каби халқаро теннисчилар рўйхатига киришга азму қарор қилган ўғлонлар йўқ. Демак, янги номлар кўзга ташланади. Чунончи, Фарҳод Ғуломов, Абдуҳамид Маҳкамов, Ғанишер ва Улуғбек Раҳматуллаев, Улуғбек Мусаев ва бошқалар.

Бугундан бошлаб Аррис Хорди (Испания), Штиб Карл-Уве (Германия), Карл Алами (Марокко), Франко Давин (Аргентина), Шандор Нозали (Венгрия) ҳамда теннисчиларимиздан Олег Огородов билан Дмитрий Томашевичлар совриндор учун қизғин курашга киришадилар. Уларни эсдалик буюмлари, совринлар, мукофотлар кутмоқда. Якка ва жуфт баҳсларда ғалаба қозонган теннисчига жами 25 минг доллар миқдорида мукофот берилади. Якка баҳсда финалга йўлланма олган теннисчини 10.600 доллар кутмоқда. Чорак ва ярим финалга чиққанлар 3650 ва 6275 долларга эга бўлишлари мумкин. Жила бўлмаса, баҳснинг биринчи даврасига чиққан спортчига 1300 доллар насиб этиши мумкин.

Албатта бу, теннис баҳона бир нималик бўлиб қолиш мумкин экан, деган маънони англатмайди. Мусобақалар шундай ташкил этилганки, ҳаммаси халқаро талаб ва мақомлар доирасида бўлади. Тажрибали мутахассислар ҳакамлик қиладилар. Воқеалар эса минглаб томошабинлар, ташкилотчи ва мутасаддилар кўз ўнгида содир бўлади. Бир сўз билан айтганда, Тошкентда иккинчи бор «меҳмон» бўлиб турган катта теннис унутилмас воқеа ва қувончлар кутмоқда.

Ҳайдар НЎСИРОВ.



«ЎЗБЕКИСТОН» ЙИЛНАМАСИ

Жавоблар «занжир» шаклида ёзилади

1. Гуллаб-яшнаган водий. 2. Социал-демократик партия. 3. Хусусийлаштирилган корхоналарни қуллаб-қувватловчи миллий сармоя жамғармаси. 4. Она заминимизнинг қадимий номи. 5. Мусулмон дунёсида ўз таълимоти билан машҳур бўлган улуғ мутафаккир, донишманд. 6. Ўзбекистон Республикасининг энг олий нишонларидан бири. 7. Улуғбек номидаги халқаро кенглик жойлашган шаҳар. 8. Республикамизда шаклланаётган иқтисодиёт. 9. Ёзувчи ва давлат арбоби. 10. Сиёсий партиялардан бирининг нашри. 11. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган АҚШ қўшма корхоналаридан бири. 12. Тинчлик ва дўстлик шаҳри. 13. Мустақиллик шарофати билан меҳнаткашларга кўплаб ажратиб берилган ер майдони. 14. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ЮНЕСКО ва ЭКОСАН жамғармаларининг Орол денгизи минтақаси болалари ва хотин-қизларини қуллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон ҳукумати лойиҳаси. 15. Тошкентнинг Ҳалқлар дўстлиги майдонига кўрк бахш этиб турган обида. 16. Ўзбекистонда автомобиллар ишлаб чиқараётган хорижий фирма. 17. Миллий валютамиз бирлиги. 18.Ўзбекистон Республикаси давлат рамзи муаллифи. 19. Она заминимиз тарихи ҳақида асарлар ёзган венгер туркшуноси. 20. Янги ташкил этилган университетлардан бири. 21. Республикамиздаги барқарорлик омилларидан бири. 22. Фойдаланишга топширилган нефть конларидан бири. 23. Миллий урф-одат ва азалий анъаналаримиз мажмуи. 24 Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази нашри. 25. Моҳир сополсозлар маскани. 26. Қадимий халқ байрами. 27. Сўлим воҳалардан бири. 28. Депутат сўзининг миллий ифодаси. 29. Давлат рамзларидан бири. 30. Қардош республика. 31. Ўзбек халқ мақомларидан бири. 32. Йирик кўмир кони. 33. Республика маркази. 34. Тошкент билан биродарлашган шаҳар. 35. Бухородаги меъморлик обидаси. 36. Ўлкамизнинг шимоли-ғарбидаги тоғ-ўрмон қўриқхонаси. 37. Вилоятлардан бири. 38. Барот Бойқобилов асари. 39. Ўзбек халқ достони. 40. Олий давлат нишонларидан бири. 41. Билимни синаш усули. 42. Мустақиллигимизнинг биринчи бўлиб тан олган давлат. 43. Навоий таърифига: «Туркистон мулкининг шайхул машойихи».

Тузувчилар:
Ҳамид ИКРОМОВ,
Ҳайдар НОСИРОВ.

Зомин электромеханика заводи жамоаси корхона раҳбари Алиқул Холиқуловга ўғли

ДОСТОНЖОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 1 сентябрь, жума куни чиқади).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухородa -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандa -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0334.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23. 00.

1 2 3 4 5 6.